



Янги йилингиз кутлуз бўлсин!

Эурсен шоҳ, агар огоҳсен сен, Агар огоҳсен сен, шоҳсен сен



ХАВАР

خبر

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган

2000 йил, 30 декабр, жума № 50 (433)

Сотувда нархи эркин

ЗАФАРЛАР ТИЛАЙМАН!

Хурматли ҳамкасблар, алоқа соҳаси ходимлари!

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Хайъати номидан Сиз алоқачиларни янги – 2001 йил, Янги Аср билан чин қалбдан табриқлайман.

Повнига етатган XX аср мамлакатимиз учун унутилмас, буюк ўзгаришлар даври бўлди. Тарихий-инқилобий воқеаларнинг энг буюғи – Республикаимизнинг мустақилликка эришганидир. Кейинги ун йил ичида алоқа соҳасида ҳам мисли кўрилмаган ўзгаришлар бўлди. Чет эл технологияларининг кириб келавгани, янги-янги корхоналар бунёд этилаётгани, алоқа хизматининг жаҳон андозалари даражасига кутарилаётгани – буларнинг барчаси мустақиллик шарофати туфайлидир.

Яқинда ўз ишини тугатган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг туртинчи сессиясида қабул қилинган «Ўзбекистон халқига мурожаат»-да шундай сузлар бор: «Санокли кунлардан кейин инсоният янги минг йилликка қадам қўяди. Бу

гун – янги аср бусағасида туриб, беихтиёр узимизга узимиз шундай саволлар берамиз: тугатган аср қандай кечди ва янги аср қандай бўлади?»

Одатда, янги йил бошида ўтган йилда бажарилган ишлар сарҳисоб қилинади. Таъкидлаш жоизки, 2000 йили алоқачиларнинг ўз касбига садоқати, саъй-ҳаракати ва ташаббуси туфайли режада белгиланган асосий ишлар бажарилди. Бевосита ишлаб чиқариш билан боғлиқ муаммолар ҳал қилинди. Натижада алоқа иншоотлари қурилишида, мамлакатимиз аҳолиси ва халқ хужалиғига хизмат кўрсатишда муҳим ютуқлар қўлга киритилди. Хорижий алоқачилар билан ҳамкорликни кучайтириш ҳамда республикамиз телекоммуникация тармоқларининг тараққиёти учун чет эл сармояларини жалб қилишда салмоқли ишлар қилинди. Хизмат, даромад ва фойда ҳажмининг сезиларли даражада ошишига эришилди.

Эришилган ютуқлар заҳматкаш алоқачиларнинг ўз вазифаларига сийқидилдан ындошишлари ва фидойиликлари самара-

си эканлигини таъкидлаш жоиз.

Азиз ҳамкасблар! Янги – 2001 йилда ҳам амалга оширолқчи бўлган режаларимиз ва орзу ниятларимиз кўп. Бошлаган хайрли ишларимизни давом эттириш ва мижозларнинг ўсиб бораётган талаб-эҳтиёжларига мос, намунали хизмат курсатиш асосий максадимиздир.

«Онлар ва болалар йили»-да оилангиздан доимо шоду хуррамлик аримасин. Юртимиз равнақи йулидаги меҳнатингизда Сизларга ҳамisha омад ёр бўлсин. Янги йилда ҳам соҳа ривожини тараққиёти йулида халқимизга сифатли замонавий хизмат турларини курсатишда ўз саъй-ҳаракатингизни аямасиз деб ўмид қиламан. Сизларга сийҳат-саломатлик, оилангизга тинчлик-тотувлик тилаб қоламан.

Янги йилингиз кутлуз бўлсин!

Ф. АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг Бош директори



Декабрь ойида Гонконгда «Осиё Телеком – 2000» деб номланган телекоммуникация анюамани бўлиб ўтди. Ушбу анюаманда Халқаро электралоқа иттифоқи ҳамда Хитойнинг Ахборот саноати вазирлиги, «Хуawei» ва «Шанхай белл» компанияларининг тақлифига биноан Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари А. Орипов бошчилиғидаги делегация иштирок этди. Ушбу хизмат сафари даво-

га «China Telecom» алоҳида қизиқиш билдирди ва 2001 йил бошларида «China Telecom» ҳамда «Шанхай белл» қўшма делегациясининг Тошкентга келиши турисида шартлашилди.

Ўзбекистонлик делегатлар Пекин шаҳрида Хитой Халқ Республикаси Ахборот саноати вазирини жаноб Чан Чунсян ҳамда «China Telecom»-нинг вице президенти жаноб Цзян Зи Пинлар билан музокара олиб бордилар. Бу музокараларда ХХР Ахборот

раҳбарияти ва «China Telecom» бarcha масалалар буйича мутасадди бўлинмаларга тегишли топшириқлар берди.

Музокаралар чоғида эришилган натижалар қуйидаги курунишларда расмийлаштирилди.

– Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги ва «Шанхай белл» компанияси ўртасида белгиланган режалар ҳақидаги баённома;

– Ўзбекистон почта ва те-

«ОСИЁ ТЕЛЕКОМ – 2000»

мида Япониянинг «NEC», «Фуджитсу», Хитойнинг «Шанхай белл», «Хуawei» каби етакчи компаниялари ишлаб чиқарган алоқа жиҳозлари ўрғанилди.

Ўзбекистонда Хитойнинг «Хуawei» ҳамда Кореянинг «ДЭУ Юнител» уяли алоқа компанияларининг телекоммуникация жиҳозларидан фойдаланилаётгани боис Тошкентда «Хуawei» ўқув техник Марказини очилиши келишилди. Бундан ташқари «Хуawei» компанияси Тошкент телефон телеграф станциясига икхита STM – 4 уялиш тизими мажмуасини совга тариқасида тақдим этиш ниятини билдирди.

«Ўзбектелеком» АКни хусусийлаштириш турғисидан «Сурав» (Саудия Арабистони), «Корея Телеком» (Корея Республикаси), «China Telecom» операторлари билан музокаралар олиб борилди. Бу масала-

саноати вазирлиги ва «China Telecom» раҳбарлари Ўзбекистонда телекоммуникация соҳасини хусусийлаштириш масалаларига қизиқиш билан қарашларини ва бу борада ўз ердاملарини аямасликларини изхор эттиди.

Бундан ташқари «China Telecom» билан бўлган музокараларда қуйидаги тақлифлар ҳам билдирилди.

– «China Telecom» билан ўтказиш юборилган трафик учун узаро ҳисоб-китобларни тартибга солиш;

– «China Telecom» томонидан ТОНинг ўзбек сегментидан фойдаланиш;

– «Интернет» трафикини «China Telecom» орқали ўтказиш. Ахборот саноати вазирини билан суҳбат чоғида маълумот узатиш тармоқларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш тажрибалари ҳақида суралди. ХХР Ахборот саноати вазирлиги

телекоммуникациялар агентлиги ва «Хуawei»-нинг техник Марказини ташкил этиш ҳақида яқинда эканликларни турғисидан Меморандум.

Ушбу музокараларда Ўзбекистон Республикасининг ХХРдаги элчисини И. Эргашев иштирок этди. . . .

ХХРга қилинган сафар натижалари юзасидан агентликда «Ўзбектелеком» АК, алоқа корхоналари ва ташкилотлари вакиллари иштирокида семинар кенгаш бўлиб ўтди.

Сафар қатнашчилари ййилганларга ўз таассуротларини сузлаб беришди. Қизгин баҳс ва мунозараларга сабаб бўлган семинар кенгаш бarchа-да катта қизиқиш уйғотди.

Х. АБДУРАУФОВА

Эркин ВОҲИДОВ

ЯНГИ ЙИЛ ШЕЪРИ

Инсон феъли ажадан ажаб,

Йўқдир унга мезонсиз олам.

Юлдузларни ўлчар ботмонлаб,

Қаричлайди чексизликни ҳам.

Ўзи эга, ўзи қул мангу

Ўзи топган ақидаларга,

Не дей, хатто мангуликни у

Бўлиб чиққан дақиқаларга.

Дақиқадан соатлар ййиги,

Кунлар тузиб ой жам қилади.

Ййгламайди умр ўтди деб,

Ййил ўтди деб байрам қилади.

Кўпайса-да, ажинлар ҳарчанд,

Оқарса-да, ййиллардан боши,

Кўвонади – кўпайди фарзанд,

Севинади – улғайди ёши.

Бу туганмас орзу хавасда

Бор умидбахш имонга асос:

Инсон ўлмас.

Аста ва аста

Боқийликка ўтади холос.

ХУРЛИК АСРИ БЎЛСИН!

Иккинчи мингйилликнинг сунги кунларида яшаб турибмиз. Босиб утган йўлимизга назар ташлар эканмиз, ҳар биримиз узимизга хулоса чиқарамиз, орта қолган умримизни, бўлиб утган яхшимон воқеаларни, амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қиламиз.

Чиқарган хулосамизда озгина булса ҳам қониқиб жисси борми, заррача булса ҳам пўшаймонлик йўқми? Бугун биз учун шуниси муҳим...

Ушбу муқаддас заминда ҳаёт бошланганидан буён неча-неча асрлар, не-не талотул замонлар ўтди. Инсон эса... фақат бир нарсага интилди, фақат бир нарса учун курашди. Озодлик учун, эрк учун, ўзлик учун... Ана шу муқаддас узгармади ва бу буюқ мақсад йўлида буюқ курбонлар берилди.

Бугун Ватанимиз ҳур, халқимиз озод. Ўзбекимиз. Ўзимизга беқимиз.

XXI асрга қадам қуяр эканмиз, мен юртдошларимга шундай тилак билдиргим келди: Аллоҳнинг бизга инъом этган мана шу улуг неъматига муносиб бўлайлик. Фан, техни-

ка тараққиётидагина эмас, инсоний фазилатларимизда, туйғуларимизда ҳам инқилоб ясайлик. Ҳаққа юз бурайлик. Келаётган янги аср эзгулик, хурлик асри бўлсин!

Азиз укувчи! Ҳар йилгидек ушбу утиб бораётган йилда ҳам биз сизга самимий сўхбатдош, дардингизга ҳамдард, қувончингизга шерик бўлишга интилдик. Бизнинг камтарона меҳнатимиз, илҳомимиз маҳсули — «Хабар» газетаси ҳар гал хонадонингизга келганида озгина булса ҳам сизни мамнун этолган булса, қалбингизда маънавий қониқиб уйғотолган булса, биз меҳнатимиз зое кетмади деб ҳисоблаймиз.

Келгуси йил ҳам ҳар ҳафта хонадонингизда бўлиб, қулимиздан келганича сизларни хушнуд этиш ниятидаммиз. «Онлар ва болалар йили» деб аталмиш янги йилда оналаримизга олам-олам меҳр, фарзандларимизга бахтли келажакни яратгандан тилаб қоламиз.

Қўша-қўша байрамлар қуршовида келаётган янги йилнингиз, янги асрингиз муборак бўлсин!

Хулқар РАҲИМҚУЛОВА

Алоқа соҳасида анча йиллардан буён ишлаб келмоқдамиз. Кейинги йилларда соҳамизда бўлаётган узғаришлар, эришаётган ютуқларимиз ҳеч кимга сир эмас. Уларни бирма-бир санаб ўтишни ҳолати йўқ деб

АҲИЛЛИККА НЕ ЕТСИН

уйлайман. Энг муҳими — биз XXI асрни ёруғ юз билан, қалбимизда бир олам қувонч, қутлуг ниятлар ва режалар билан кутиб олмақдамиз. Фурсатдан фойдаланиб мен барча алоқачи ҳамкасбларимни янги — 2001 йил билан самимий қутлайман! Уларга соғлиқ-саломатлик, хонадонига файзу барака тилайман. Биз биргаликда, аҳил узаро бир-биримизни тушуниб меҳнат қилар эканмиз, олдимизда турган барча қийинчиликларни енгишимизга ва келгусида бутунгидан ҳам юксак муваффақиятларга эришимизга ишонаман.

А. ЧЕРКАСОВА,
агентлик халқаро алоқаларни мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси

КЎНГИЛДАГИ ГАПЛАР

«ХАБАР» газетаси ташкил этилиб, мунтазам чиқа бошлагани республикамиз алоқа хизмати ва алоқачилари ҳаётида шубҳасиз муҳим воқеа бўлди. Айниқса, соҳага ривожланган давлатларнинг илғор техникаси кириб келаётгани, йигит-қизларимизнинг чет элларда ўқиб, ана шу техникани муваффақиятли бошқараётганликлари, алоқа корхоналарида кечаётган узғаришлар, «Алоқа тарихидан», «Алоқа-мабуот кузгусида», «Фахрилар — фахримиз» рўкнлари остида ёритилаётган ранг-баранг мавзулар алоқачиларни лоқайд қолдираётгани йўқ.

Ҳа, биз алоқачилар ўз газетамиз бўлишини узоқ кутган эдик. Бугун республикамиз мустақиллиги билан деярли тенгдош газетамиз алоқачиларнинг сеvimли нашрига айланди десак муболага бўлмас.

Мана, янги йил, янги аср кириб келишига ҳам саноқли кунлар қолди. Бундай дамларда ҳар кимнинг ҳам дилида орзу истаклар уйғонади. Бир кекса алоқачи сифатида ўз истагини айтиб ўтишни лозим қўрдим. Маълумки, Ўзбекистон кўп соҳалар бўйича жумладан, алоқа соҳасида ҳам катта имкониятларга эга. Республикамизнинг илмий-

амалий имкониятлари Марказий Осиё ҳудудида анча салмоқли. Шундай экан, нега биз ўз алоқа саноатимизни ривожлантириш ҳақида жиддий уйлаб қурмаймиз? Нега республикамизнинг алоқа соҳасида меҳнат қилаётган олимлари, муҳандис-техниклари, мутасаддилари ўз фикр-мулоҳазалари билан уртоқлашмайдилар? Наҳотки уларнинг газета орқали айтадиган гаплари бўлмаса?

Чет эл технологияси Ватанимизга тегиштирилиб, ҳақон андозалари талабларига жавоб бера оладиган маҳсулотларнинг ўзимизда ишлаб чиқарилаётганини куриб, ҳавасинг келди.

Қани энди республикамиз саноат корхона конвейерларидан ҳам истеъмолчиларнинг талаб ва истакларига жавоб бера оладиган «Ўзбекистон» белгиси билан замонавий алоқа техникалари ишлаб чиқарилса. Янги аср арафасида кўнгилда уйғонган ана шундай орзу-истаклар амалда ўз ичросини топса, нур устига аъло нур буларди.

Т. МИРБОБО ўғли,
нафақадаги алоқачи

ҚУРУЛТОЙ ЎТКАЗИЛДИ

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг мажлислар залида Ўзбекистон алоқа ходимлари қасаба уюшмаси марказий кўмитасининг III қурултойи бўлиб ўтди. Унда республикамизнинг барча алоқа корхоналаридан вакиллар иштирок этишди.

Қурултойни Ўзбекистон алоқа ходимлари қасаба уюшмаси марказий кўмитаси раиси Т. Назаржонов олиб борди.

Кўмита раиси «2000-2002 йиллар учун тузилган тармоқ келишувининг «меҳнатга ҳақ тўлаш, компенсациялар, қўшимча тўловлар, пул мукофотлари ва рағбатлантириш» қисмининг иш бевуқилар томонидан баҳариллигини таъминлаш ҳамда ушбу қисмининг бирлашган қасаба уюшма ва қасаба уюшма кўмиталари томонидан баҳариллигини назорат қилиш тўғрисида» маъруза қилди. Маърузачи бу масалага айрим жойларда жиддий эътибор берилмаётганлигини айтиб ўтди. Ҳисоботлар юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси алоқа ходимлари бирлашган қасаба уюшмаси кўмитаси раиси Н. Раимова, «Ўзбекистон почтаси» ДАК бош директори уринбосари Т. Бажанова, «Ўзбектелеком» АК бош директори А. Журабоев, Бухоро алоқа ходимлари бирлашган қасаба уюшмаси кўмитаси раиси У. Фахриддинова, Тошкент шаҳар телефон тармоғи бирлашган қасаба уюшма кўмитаси раиси В. Егорова, Республика радиолоқа, радиозўштириш ва телевидение ишлаб чиқариш бирлашмаси бирлашган қасаба уюшма кўмитаси раиси Н. Колотилиналар сузга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Қурултой ишида Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг Бош директори Ф. Абдуллаев қатнашди ва сузга чиқди. Қурилган масалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон алоқа ходимлари қасаба уюшмаси марказий кўмитаси ва «Ўзбектелеком» АК ҳамкорлигида директорлар кенгаши ўтказилди. Кенгаш ишида меҳнатни муҳофаза қилиш масаласи куриб чиқилди. Айрим жойларда бу масалага яхши эътибор берилмаётганлиги оқибатида кўнгилисиз воқеалар содир этилаётганлиги айтиб ўтилди. Келгусида ушбу масалага жиддий эътибор бериш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

И. АҲМЕДОВ

«Тошкент почтамати» акционерлик жамиятининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2001 йил, 25 январ соат 15.00 да бўлиб ўтди. Акциядорлар рўйхати 2000 йил, 25 декабрдаги ҳолатга кўра тузилади. Рўйхатдан ўтказиш соат 14.00 дан бошланади.

КҮН ТАРТИБИ:

1. «Тошкент почтамати» АЖ меҳнат жамоасининг оддий номланган акцияларини имтиёзи — конвертацияланадиган акцияларга айирбошлаш тўғрисида;
2. «Тошкент почтамати» АЖ уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

Манзил: Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 7-уй.
«Тошкент почтамати» АЖнинг мажлислар зали.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

Газетамизга йиллик обуна мавсуми 2000 йил, 25 декабрда якунланди. Аммо бу обуна бўлиш вақти тугади дегани эмас. Энди сиз ўтаётган ойнинг 20 кунигача обуна бўлсангиз навбатдаги ойдан бошлаб йил охиригача газетамизни ўқишга муяссар

бўласиз. Газетамизга барча алоқа бўлимларида обуна бўлиш мумкин. Наҳр курсаткичи: Якка тартибдаги обуначилар учун — 227. Ташкилотлар учун — 228.

Бизга маълумки, Президентимизнинг асарлари, маъруза ва нутқларида билдирилган қимматли фикрлари асосида чоп этилган «Миллий истиқлол гоёси: асосий тушунча ва та-

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ

мойиллар» рисоласида миллий гоё ва мафкура тушунчалари, уларнинг халқлар ва давлатлар тарихига таъсири, глобаллашув жараёнида кечаётган ҳозирги шароитда мафкуравий сиёсатнинг урни, Ўзбекистоннинг миллий истиқлол гоёси, унинг асосий тамойилларини халқимиз, айниқса ёш авлод онгига синдириш каби масалалар ўз ифодасини топган.

Ушбу дастуруламални ўқиб-урғанишга бағишланган йиғилиш «Бухоро почтаси» ак-

ционерлик жамияти ва Бухоро шаҳар электралоқа боғламаси ишчи-хизматчилари, муҳандис-техник ходимлари иштирокида бўлиб ўтди. Унда рисолада баён этилган

миллий истиқлол мафкурасининг бош ва асосий гоёлари хусусида вилоят қасаба уюшмалари кенгаши раисининг уринбосари, «Фидокорлар» миллий-демократик партиясининг вилоят котиби Шаҳодат Ихтиёрова ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Қизгин баҳс-мунозарага айланган йиғилиш қатнашчиларда катта таассурот қолдирди.

А. ИСТАМОВ,
Бухоро вилояти



«ЭЛЕКТРАЛОҚА ТАЪМИНОТ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

Барча юртдошларимизни, республикамиз алоқачиларини улуг айём — Рамазон ҳайити ва янги — 2001 йил, янги аср билан самимий қутлайди.

Илоҳим, элимиз омон, юртимиз осойишта бўлсин! Келаётган янги йил барчанегизнинг хонадонингизга шодлик, муҳаббат ва файзу барака келтирсин.

Юртимиз тинчлиги ва равнақи йўлида қилаётган эзеу ишларингизга улкан зафарлар тилаймиз!

Янги йил, янги аср муборак бўлсин, азиз юртдошлар!



ТАБРИКЛАЙМИЗ!

«Хабар» газетаси жамоаси «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» акциядорлик жамияти бош директори Саидқабар АЪЗАМОВНИ тугилган кунини билан самимий табриклайди. Унга узоқ умр, сийҳат-саломатлик, алоқа соҳасидаги ва илмий ишларида улкан зафарлар тилайди.

«Жиззах Телеком» шўъба корхонаси жамоаси Гафларол филиали ходими Маврифатхон ШЕРМАТОВНИ таваллуд толган кунини билан самимий қутлайди ҳамда узоқ умр, сийҳат-саломатлик ва оилавий бахт тилаб қолади.

«Жиззах Телеком» шўъба корхонаси ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган қасаба уюшмаси кўмитаси жамоалари Жиззах шаҳар филиали электромантури Махмуд БҮРОНОВНИ 60 ёши билан чин қалбдан табриклайди. Унга узоқ умр, сийҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик, алоқа соҳасидаги ишларида муваффақиятлар тилайди.

«Қорақалпоқ Телеком» акционерлик жамияти жамоаси корхонанинг капитал қурилиш ва лойиҳалаш бўлими бошлиғи Ҳакимниёз ЕМБЕРГАНОВНИ 60 ёши билан қизгин табриклайди. Унга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ, алоқа соҳасидаги ишларида омадлар тилаб қолади.

ИБРАГИМОВ
Суръат Шухратович
номига 1993-94 ўқув йилида берилган АП 516208 9-синф гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

«Уқинг!», – деди. Барча мавжудотларни яратган Оллоҳ номи билан «Уқинг!» – деди пайгамбаримизга. Бу ислом динининг Бани башарга айтган илк сузи эди. Дунёнинг бетимсол муъжизаси Курьони Каримнинг инсониятга қилган илк хитоби эди. Кукдан ер юзига сизиб туша бошлаган маърифат эди. Бу суз – зулматда қолган инсониятни кутқарувчи нурнинг ибтидоси эди. Бу суз – одамзод ҳаётига янги ва сунги илоҳий таълим, мукамал бир дин – Ис-

тарихни қайта варақлапмиз? Сабаби бундай: Ҳа, бу аҳли му- сулмонларнинг муқаддас байра- ми. Йиди Рамазон байрами! Бу байрам Руза ойининг шун- чаки якуни эмас, балки инсо- ниятга бир улуг нур келганли- ги ва бу нурнинг шуъласи ҳақиқат йулини кўрсатиб бер- ганлиги шукронасидир.

Биз бу байрам моҳиятини баъзан бир оз нотўғри англай- миз. Ҳайит куни одамлар қаб- ристонларга борадилар. Марҳумларни эслашиб, фотиҳаларга боришади. Асли-

РАМАЗОН – ШОДУ ХУРРАМЛИК БАЙРАМИ

лом дини кириб келганининг нишонаси эди. Биласизми, ушанда Рамазон ойи эди. Рамазони шарифнинг бирдан- бир улуглиги ҳам шунда.

Шу уринда яна бир мулоҳаза. Исломо дини инсо- ниятни илк оятлариданоқ уқшига, илмга, маърифатга даъват этди. Бу даъватнинг за- мирида улкан бир ҳақиқат бор эди. Бу ҳақиқат шу эдики, ин- сон азалдан олим эди. Оллоҳ инсонга ҳатто фаришталар билмаган нарсаларнинг исми- ни билдириб, уни олим қил- ган эди. Оллоҳ наздида биз олим бўлиб, фаришталар обид эди. Биз масжид бўлиб, фаришталар соҳиб эди. Мана сизу бизнинг яратган қошида- ги мақому мартабамиз. Ахир инсон дунёга саросон-саргар- дон бўлиш учун, бир-бирига маънан душман бўлган ақидалар орасида афғор бўлиш учун, унгу кузи билан чап кузини келиштиролмай овора бўлиш учун келмаган эди. Демак, инсон вужудида азалдан олимлик ва афзаллик неъматлари сингдирилган эди. Мана бизнинг аслимиз. Исломо дини инсониятга ўз-ўзини та- нитиш учун келди. Кимлиги- ни, қаердалигини ва нима учун ердалигини англаганларгина Оллоҳни англайди. Англаган- ларгина маърифатлидир.

Дарҳақиқат, улуг Рамазон ойида нозил бўла бошлаган бу дунёнинг дастури – Курь- они Карим сизу бизга кўп ҳик- матли ўғитларни айтди.

Хуш, нима учун биз бу улуг

да бу кун қабристонларга бо- риб, дилни хуфтон қиладиган кун эмас. Бу кун ҳақиқий бай- рам! Бу кунни Расулulloҳ гоът хушнудлик билан қарши ол- ган кун. Бундай кунни гамхо- нага айлантариб қўймаслиги- миз керак. Бу кун бир-бири- мизга меҳрибонлик қиладиган, шафқат қиладиган кун! Расулulloҳдай одам ана шун- дай байрам кунлари завқ бил- лан чуғурлашаётган болалар- ни томоша қиларкан, бир бо- ланинг чеккада йиғлаб утирга- нини куриб қоладилар. Енига бориб:

– Нега йиғлаясан? – деб сурайдилар.

Бола хафа бўлиб:

– Отам улган, – дейди.

Расулulloҳ айтдиларки:

– Мен отанг бўлишимми, Ойша онанг, Ҳасан ва Ҳусайн укаларинг бўлишини истайсан- ми?

Бола севинчдан табассум қилади. Бу ҳолатни кузатиб турган бошқа болалар энди унга ҳавас қила бошлайди:

– Кошиқ эди бизларнинг оталаримиз ҳам улган бўлсалар. Шундай улуг марҳаматга эришган бўлармиким.

Дарҳақиқат, Йиди Рамазон барча муслмонларнинг муқаддас байрами. Аҳли му- сулмон яна бир имтиҳондан утди. Бу имтиҳонни Узи мубо- рак қилсин!

Оллоҳнинг жаннатлари сари ташланган яна бир қадам бар- чамизга кўтлуг бўлсин!

Алишер НАЗАРОВ

ЯНГИ ЙИЛ ҚАНДАЙ КУТИБ ОЛИНАДИ?

ЯНГИ ЙИЛ байрами купгина мамлакат, халқ ва миллатларда ҳар хил пайтларда турлича кутиб олинади.

Жумладан:

БАЛИ оролида бир йил 216 кун ҳисобланганлиги туфайли янги йил ҳар йили турли пайтларда кутиб олинади. Байрам 10 кун давом этади.

БИРМАда янги йил апрелда нишонланади. Кунлар исиб кет- ганлиги учун бу жойда байрам кунни ким келиши ва кучадан ким ўтишдан катъий назар унга сув сепиб «сийлашади».

ЛИВАНда янги йил кунни арча урнига кедр дарахти ясатилади ва болаларга эски йил давомида ваъда қилинган совғалар бери- лади.

КИПРда соат 12.00 да чироқлар ярим дақиқага учирилади. Барча ўрнидан туриб, қоронғида шод-хуррам ҳолда эски йилни кузатади. Дастурхонга алоҳида тайёрланган куржа гўшти ва торт тортилади. Болаларга совғалар улашилади.

КЕНИЯ. Кунлар исиб кетганлиги учун булса керак, бу ерда янги йилни одамлар Викториа кулида қайиқларда сузиш ва чумилиш билан кутиб оладилар. Арча урнига қайин дарахти яса- тилади.

ШИМОЛИЙ АМЕРИКА. Бу ерда ҳиндулар ёнаётган улкан гул- хан атрофида, қўлларда турли рангларга бўялган шарларни кутарган ҳолда кутиб оладилар.

ХИНДИСТОН. Мамлакатнинг шимолий қисмида янги йил тан- таналари 13 апрелга – Байсахи байрамига тўғри келади. Бу кун баҳорнинг ёз билан алмашиниш куну бўлиб, ҳосилни йиғиб-те- риб олишга бағишланган уйин-томошалар курсатилади.

ЖАНУБИЙ ХИНДИСТОНда эса янги йил июл-август ойларида нишонланади.

ГАРБИЙ ХИНДИСТОНда янги йил байрамини нишонлаш ок- тябр-ноябр ойларида тўғри келади. Янги йилнинг биринчи куну қандай ўтса, йил ҳам шундай бўлади деган тушунча асосида ҳамма ерда хурсандчилик ҳукмронлик қилади.

СУДАНликлар янги йилни мамлакатларининг мустақилликка эришган куну сифатида нишонлайдилар. Байрам куну ҳамма бир- бирига кўк ёнғоқ топиб олиш – (бу бахт рамзи) тилагини билди- радилар.

Абдулла ОРИПОВ

ҲАЙИТ

Ҳайит кунларида жанглр ҳам тўхтаб, Қиличлар кинига қайтиб киргувси. Мўминлар эгизак жонларга ўхшаб, Ўзгага боққан чоқ ўзини кўргувси.

Умидвор ҳар кимса топиб кушойиш, Қоронғу дилларга ёғиб тургай нур. Уйқуда фароғат, юртда осойиш, Дуолар ижобат, ниятлар манзур.

Адоват, ҳасадни касб этган инсон, Майли шох ё гадо, ё сайиб бўлсин. Илоё, барига бахш этсин иймон, Утар ҳар лаҳзаси бир ҳайит бўлсин.



Имом ал-Бухорий мажмуаси.

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ суратга олган

Олтинчи асрнинг иккин- чи ярмида Макка шаҳри ва унинг марказидаги Макка- тулло ибодатхонаси Қурайш араблари учун жуда яхши даромад манбаи эди. Даро- мад фақатгина ибодатданги- на тушмасди. Макка катта карвон йули устида булганлиги сабабли ҳам Қурайш қабиласига катта фойда келтирарди.

– Мен сенинг бутун шаҳринг ва ундаги ибодат- хонани вайрон қилмоқчи булганимда сен тентак уз ту- янгни уйлaysанми?

– Туялар менинг шахсий мулким. Макка шаҳри ва ун- даги ибодатхонанинг уз эга- си бор. Уни ҳимоя қилишга у қодирдир, – дея ҳоким Аброҳанинг кузига тик боқади.

ФИЛ ЙИЛИ

(Рубоям)

Шу сабабли бундай даро- маддан фойдаланиш мақсадида Яман ва Эфио- пия ҳокими Аброҳа Макка шаҳрини фатҳ қилишни орзу қилади. Унинг фикри- ча, Маккатуллони бузиб, вай- рон қилиб, Макка шаҳрини узига қаратиб олса, ҳожилар у томонга бормай, уз юрти- да қурилган масжидга бо- радилар. Маккадан утадиган карвондан келадиған даро- мад ҳам унга қолади. Шу мақсадда 570-йилнинг бош- ларида Аброҳа узининг тах- тини фил устига урнатиб, қушинларини Арабистонга йуналтиради.

Қушинлар Макка шаҳри яқинига урнашиб, теварақ- атрофдаги халқни талаб, чорваларини тортиб ола бошлайдилар. Ҳоким Аброҳа эса Маккага одам юбориб, шаҳарнинг энг катта уламо- сини уз ҳузурига келишини буюради. Унинг буйруғига қура, Макка шаҳрининг ула- моси Ҳошим уруғининг бош- лиги Абдумуталлиб етиб келади. Ҳоким уларга қараб:

– Мен Маккатуллони вай- рон қилиб, Макка шаҳрини узимга буйсундирмоқчиман, – деб суради.

Абдумуталлиб:

– Сенинг одамларинг ме- нинг 200 та туямни ўтлоқдан олиб кетишибди, айтгин шуни қайтариб беришин, – деб жавоб қайтаради.

Туяларини қайтиб олган Абдумуталлиб Маккага қайтиб, бутун Макка халқини уй-жойларини ташлаб, шаҳардан чиқиб кетишга ун- дайди. Шаҳарда бирор жон қолмайди.

Ҳоким Аброҳа уз қушини билан Маккага қаршилиқсиз кириб келади. Унинг минган фили Маккатулло қаршиси- га келиши билан тиз чўкиб, таъзим бажо келтиради ва ўрнидан қўзғалмайди. Ол- динга юриш учун қилинган ҳамма ҳаракатлар бекорга кетади. Фил эса орқага юр- гизилса юради, аммо ол- динга бир қадам ҳам таш- ламайди. Бундан таажуб- да турган вақтларида Мак- ка устида жуда кўп қушлар галаси пайдо бўлиб, оғзиларидан майда тошлар- ни ташлай бошлайдилар. Тошлар кимга тегса, урни- да сувли яра пайдо бўлиб, одамлар нобуд бўла бош- лайди.

Шундай қилиб Макка шаҳри, Маккатулло ва унинг аҳолиси фалокатдан қутулиб қолади. «Бизларни фил бунга сен қандай қарайсан, – деб суради.

МУАССИС:
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир:
Шодмон
ОТАБЕК

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Шомансур ОБИДХУҲАЕВ

Шухрат ЖАББОР

Анатолий КУДИНОВ

Иzzат АҲМЕДОВ

(Бош муҳаррир

ўринбосари)

Мирпўлат МИРЗО

Рустам ҚОСИМОВ

Қуролбой ТҮЛЕБОЕВ

Ёқубжон ХҲАМБЕРДИ

ЖАМОАТЧИЛИК

КЕНГАШИ:

Саидмаҳмуд АКБАРОВ

Шоҳруҳ АКБАРОВ

Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ

Меҳмонқул

ИСЛОМУҚУЛОВ

Тўлқин

ЛУТФУЛЛАЕВ

Бобоҳон ШАРИФ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000,

Тошкент-35, А. Толстой

кўчаси, 1.



ТЕЛЕФОНИМИЗ:

136-36-42, 136-35-29,

144-29-09.

Факс: 136-36-42.

ИНДЕКС: 64600

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Тахририятга келган кўлёмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарил- майди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти му- аллифлар зиммасидадир.

Рўйхатга олиш № 00011.

Буюртма № Г-1139.

4839 нусхада чоп

этидди.

Офсет усулида

босилди.

Бичими А-3, ҳажми 1

босма табоқ.

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-

МАТБАА

АКЦИЯДОРЛИК

КОМПАНИЯСИ

БОСМАХОНАСИ.

Манзили:

Тошкент шаҳри,

«Буюк Турон» кўчаси,

41-уй.

Босишга топширилди — 19.00

Босишга топшириш вақти — 18.00

1 2 3 4 5 6